Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2008 ЙИЛ, 27 МАРТ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 59 (11.120) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУҲТАШАМ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ТАШАББУС—2008» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛОВЧИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ПОЙТАХТ БОСҚИЧИДА ҒОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ТАДБИРКОРЛАР, ҲУНАРМАНДЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА.

Қиска сатрларда

● **БУГУН** «Меҳр таянчи» жамоатчилик марказида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Наврўзга бағишлаб уюштирилган тадбирда қаровга муҳтож болажонларга спорт анжомлари топширилди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» ва «Бободеҳқон» маҳаллаларида фаоллар, ёшлар иштирокида ўтказилган тадбирлар Наврўзга бағишланди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «1-Отчопар» маҳалласида Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган байрам тадбирида кекса ота-оналар,маҳалла фаоллари, ёшлари ва кам таъминланган оилалар вакиллари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейда ўқувчилар, ўқитувчилар, фаол хотин-қизлар иштирокида ўтказилган семинар хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги фаоллигини янада ошириш масаласига бағишланди.

● **СЕРГЕЛИ** туман Политехника касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партияси Тошкент шаҳар ва Сергели туман Кенгашлари, Сергели туман Бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамкорликларида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Қон қуйиш станциясида уюштирилган акция «Қон — ҳаёт манбаи» деб номланди.

● **ЎЗБЕК**-япон марказида Профессионал менежмент дастури доирасида ташкил этилган курс битирувчиларига сертификатлар топширилди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** мусиқа мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек халқ чолғулари ва анъанавий ижрочилик бўйича уюштирилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **НАВРЎЗ** айёми муносабати билан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги маҳаллалар ёшлари ўртасида уюштирилган шахмат-шашка мусобақалари ғолибларига эсдалик совғалари туҳфа этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

«Ташаббус—2008»

СОВРИНДОРЛАР ТАҚДИРЛАНМОҚДА

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, босқичма-босқич ташкил этилган бу йилги бизнес-марафон икки ой давом этди. Кўрик-танловда қатнашиш истагида бўлганларнинг кўпчиликни ташкил этгани «Ташаббус»нинг нуфузи тобора отиб бораётганлигидан дарак беради. Аввал туман ва шаҳар, сўнгра вилоят ва пойтахт босқичлари уюшқоқлик ва фаолликда ўтказилиб, иштирокчиларнинг энг муносиблари ҳамда омадлилари танловнинг Республика босқичига йўлланма олдилар.

Кўрик-танловнинг очилиш маросимида ҳар бир иштирокчининг муваффақиятлари алоҳида таъкидлангани ҳолда уларнинг барчасига «Ташаббус—2008»нинг лауреатлик Дипломи ва совғалари топширилди. Айтиш жоизки, мамлакатимизда тадбиркорлик ғоясини кенг оммалаштириш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, бизнес ҳамжамияти қаторини кенгайтириш ва хусусий секторнинг давлатимиз иқтисодиёти равнақидаги улушини ошириш, халқ амалий санъатини намоён этиш, фермерлик ҳаракатини жадаллаштириш мақсадида ташкил этилган мазкур кўрик-танлов, шубҳасиз ўзини оқламоқда.

Анъанага кўра кўрик-танловнинг асосий ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳисобланиб, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Фермер хўжаликлари ва «Ҳунарманд» уюшмалари, қатор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги ҳамда молиявий кўмаги муҳим аҳамият касб этади. Ташкилий қўмита эса вазирлик ва идоралар, йирик саноат корхоналари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборатдир.

Бу йилги анъанавий тадбир —«Ташаббус—2008» кўрик-танлови янги Низом асосида ташкил этилганлиги аввалги йилгиларидан асосий фарқли томонидир. Бунда, албатта ўтган йиллардаги тажрибалар, хорижий давлатларнинг бундай тадбирларни ўтказишдаги анъаналари эътиборга олинди. Мазкур Низом асосий йўналиш ва номинацияларга бўйича иштирокчилар фаолиятини ҳамда эришган ютуқларини баҳолашда давр талабидан келиб чиққан ҳолда киритилган янги мезонларни кўзда тутади. Кўрик-танловда ҳар йилгидек, учта асосий, яъни «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши ҳунарманд» ва «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича совриндорлар аниқланиб, шунингдек, «Энг яхши ёш тадбиркор», «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида фаол қатнашган энг яхши тадбиркор», «Энг яхши молия муассасаси», «Миллий бренд» сингари янги номинация ғолиблари ҳам совғаларни қўлга киритишади. Икки кун давомида ўтказиладиган кўрик-танловда аввало иштирокчилар ўз маҳсулотлари кўргазмаси намойишини ташриф буюрувчилар ва ҳайъат аъзоларига ҳавола этаётганлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу кўргазмаларни томоша қилар экансиз, уларнинг фаолиятлари, эришган ютуқларидан қувонасиз, дил сўзларини эшитиб эса изланишлари ҳамда келгуси режаларидан воқиф бўласиз.

— Фаолиятимиз асосини мактабгача таълим, ўқув, тиббиёт муассасалари учун замонавий мебеллар тайёрлаш ташкил этади, — дейди Самарқанд вилояти ғолиби, «Отабек» масъулияти чекланган жамияти директори Раҳматжон Эгамбердиев.— Йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Бунда цехларимизга ўрнатилган хорижий дастгоҳлар ва малакали мутахассислар меҳнати юксак самара бермоқда. Ишчи-хизматчиларимиз сафи ўн уч нафардан юз нафарга етди. Жорий йилда мебелларнинг янада рақобатбардош турларини ишлаб чиқаришни кўзда тутганмиз.

Кўрик-танловда пойтахтимиз вакиллари — «ASN» масъулияти чекланган жамияти директори Анвар Назиров ва каштачи чевар Дилдора Авезова ҳам шаҳримиз тадбиркор ва ҳунармандлари шарафини ҳимоя қилишмоқда.

— Мазкур анъанавий тадбир ўзгача завқ бағишлайди, кишига, —дейди пойтахт босқичи ғолиби Анвар Назиров. —Бу юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган катта эътибор, қўллаб-қувватлашдан ёрқин далолатдир. Энг асосийси эса биз бунга ютуқларимиз билан жавоб берамиз. Корхонамиз аҳли ҳам импорт ўрнини босувчи савдо жиҳозлари ва маиший музлаткичларни тайёрлаб, уни хорижга ҳам экспорт қилишни йўлга қўйди.

Кўрик-танлов ўз ишини давом эттирмоқда. **БУГУН** оқшомда муҳташам саройда ўзбек эстрадаси юлдузлари иштирокида гала- концерт ташкил этилиб, «Ташаббус—2008» кўрик-танлови республика босқичининг ғолиб ва совриндорлари эълон қилинади. Албатта, уларни Президент совринлари ва қимматбаҳо совғалар кутмоқда. Бахт эса омадлиларга кулиб боқиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг республика босқичидан лавҳалар.

Даврон Аҳмад олган суратлар

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР МУҚАДДИМАСИ БЎЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ ЖАҲОННИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, АКАДЕМИК, ТАҲЛИЛ ВА ДИПЛОМАТИЯ ДОИРАЛАРИДА, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ ҮЙҒОТДИ.

Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига амалга оширган илк расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги давр очгани ҳақида яқдил фикр билдирмоқда.

Саудия Арабистонида араб тилида чоп этилувчи нуфузли «Ал-Жазира» газетаси ўз саҳифаларида «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Абу-Дабига ташрифи доирасида Ўзбекистон ва БАА ўртасида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди» сарлавҳали мақолани эълон қилди.

Унда юртимизнинг араб дунёси билан алоқаларни изчиллик билан ривожланиб бораётгани ва бу йўналишда БАА муҳим ўрин эгаллаши хабар қилинган. Мақола муаллифининг фикрича, гарчи географик жиҳатдан бир-биридан олис бўлсада, ҳар икки мамлакатни умумий тарихий илдизлар бирлаштириб туради. Яқинда Абу-Дабида Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг очилиши томонлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга бўлган интилишидан далолатдир.

Мақолада таъкидланганидек, Бирлашган Араб Амирликлари раҳбарияти Ўзбекистонни Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи давлат деб билади. Ўз навбатида, БАА Ўзбекистоннинг Форс кўрфази минтақасидаги асосий савдо шеригидир. Сиёсий, иқтисодий соҳалардаги, шунингдек, хавфсизлик масалаларидаги ўзаро ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши бўлиб келмоқда. Араб муваффақиятлаштириш гуруҳи доирасида ҳам яқин алоқалар ўрнатилган.

Мақолада шунингдек, Абу-Даби Тараққиёт жамғармаси Ўзбекистонда таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва сув хўжалиги соҳаларида қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштираётгани хусусида маълум қилинади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БААга ташрифи давлатлараро муносабатларни фаоллаштириш йўлидаги муҳим босқич бўлиши шубҳасиздир», — дея қайд этилади мақола якунида.

«Ал-Халиж» газетаси (БАА) «Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қизиқиш билдираётганини таъкидлади» номли мақолани чоп этди. Унда олий даражада бўлиб ўтган музокаралар жараёни ва якунлари, шунингдек икки мамлакат ўртасида эришилган келишувлар кенг ёритилган.

Жумладан, газетада БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум мамлакат раҳбарияти Ўзбекистон билан барча соҳалардаги ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга қизиқиш билдираётгани таъкидланади.

«Ўзбекистон делегациясининг ташрифи 2007 йилда Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувларнинг мантиқий давоми бўлди», — деб ёзилади мақолада. — «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга юксак даражадаги эҳтиром кўрсатилди. Олий мартабали меҳмон ўз юртига учиб кетиши олдидан шайх Муҳаммад ўзи бошқарган автомобилда И.А.Каримовни Дубай шаҳридаги диққатга сазовор жойлар билан таништирди».

Давлатимиз раҳбарининг БААга ташрифини ёритар экан, **«Синьхуа» ахборот агентлиги** давлат бошлиқлари даражасида, шунингдек вазирлар ўртасидаги музокаралар шаклида ўтказилган икки томонлама учрашувларнинг амалий натижаларига эътиборни қаратади. Жумладан, Ўзбекистон ва БАА ўртасида ўзаро муносабатларни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор келишувлар имзоланганги таъкидланади.

Давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги амалий чора-тадбирларга тўхталар экан, «Синьхуа» ахборот агентлиги БАА пойтахтида ташкил этилган иқтисодий форумда ҳар икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари ўзаро ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини муҳокама этганини қайд этади.

(Давоми 2-бетда).

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилди. Унда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим роль ўйнайдиган бир қатор қонунлар ва масалалар муҳокама қилинмоқда.

● Кеча Тошкентдаги Миллий санъат марказида «Bazar-Art. Баҳор—2008» кўргазма-ярмаркаси иш бошлади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 120 нафардан зиёд уста ва ҳунарманд иштирок этмоқда. Кўплаб янги номлар ва истеъдод эгалари кашф этилиши кутилаётган мазкур кўргазма 30 мартга қадар давом этади.

● Урганч шаҳрида меҳнат муҳофазасига бағишланган минтақавий ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларидан соҳа вакиллари иштирок этди. Тадбирда корхона ва ташкилотларда, барча фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, соҳада амалга ошириш лозим бўлган вазифалар, мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

● А.Навоий номидаги Давлат академик Катта театри «Жаҳон классикаси дурдоналарида ижодий ёшлар» лойиҳаси доирасида Жорж Бизенинг машҳур «Кармен» операсининг янги саҳна вариантини тайёрлади. Ушбу бетакрор опера Халқаро театр кунига бағишлаб саҳналаштирилди.

● Тошкент Давлат техника университетида «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари» кафедраси ҳамда Янгийўл шаҳар академик лицейи жамоалари ҳамкорлигида «Наврўз, қадрият ва ёшлар» мавзусида адабий-бадиий мусиқали кеча ташкил этилди.

● Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги «Зокиржон Султонов ери» фермер хўжалиги далаларида баҳорги ишлар ҳамда чигит экишга бағишланган кўргазмали семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани марказида врач Норжигит Салимов бир йўла 10 нафар беморга хизмат қиладиган гинекология йўналишидаги кундузги стационарни ишга туширди. Шифохонада беморларни даволашда замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда аниқ ташхис қўйиш имкониятлари мавжуд.

ЖАҲОНДА

● Миср, Иордания ва Саудия Арабистони давлатлари раҳбарлари жорий йилда араб дунёсида ўтказилаётган энг муҳим тадбир — Дамашқда бўлиб ўтадиган Араб давлатлари лигасининг ХХ саммитида иштирок этмайдилар. Ушбу муҳим тадбир 29-30 март кунлари ўтказилади.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес агарда АҚШда ўтказиладиган президентлик сайловларида республикачилар партиясидан номзод Жон Маккейн ғолиб чиқадиган бўлса, Шимолий Америка билан Венесуэла ўртасида муносабатларнинг ёмонлашиши мумкинлигини таъкидлади.

● Кеча Франция Президенти Николя Саркози ўзининг янги рафиқаси Карло Бруни билан Буюк Британияга ташриф буюрди.

● Жорий йил 18 март куни АҚШнинг Яндаги элчихонасида уюштирилган, икки киши ҳаётдан кўз юмган ва ўндан зиёд одам яраланган кўпорувчилик ҳаракатини амалга оширганликни «Жунд ал-Яман» террорчи гуруҳи ўз зиммасига олди.

● Кеча Халқаро космик станция 17-экспедициясининг экипажи дублёрлар ва дастлабки корейс космонавтлари билан Подмосковьедан Бойқўнғир космодромига келишди. Таъкидлаш жоизки, экипажнинг асосий таркибидан россиялик Сергей Волков ва Олег Кононенко билан бирга, Жанубий Кореянинг космосдаги дастлабки вакиласи Ли Со Ен ҳам ўрин олган. 8 апрель куни старт оладиган ХКС парвози давомида корейс фазогири 7 кун, россиялик космонавтлар эса 200 кун давомида коинотда бўлишади.

● Приморьеда ҳалокатга учраган СУ-25 самолётининг портлашига ҳаво кемасига ракетанинг келиб текканлиги тахмин сифатида кўрсатилмоқда. Ҳозирча ҳалокат сабабларини аниқлаш билан шуғулланаётган комиссия текширув ишларини давом эттирмоқда. Кеча юқоридаги ҳалокат муносабати билан СУ-25 русумли самолётларнинг парвозига нисбатан қўйилган таъқиқлов бекор қилинди.

● Нью-Йоркда халқаро автосалон кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма доирасида «2008 йилнинг энг яхши автомобили» номинацияси бўйича ўтказилган танловда Японияннинг «Мазда—2» русумли автомобили ғолиб чиқди.

● Эфиопия давлатининг Марказий банкидаги олтин заҳирасининг катта қисми қалбаки металлдан иборат эканлиги маълум бўлди. Айни пайтда банк мутахассислари бир неча ўн тонналик қалбаки олтин қуймаларининг келиб чиқишини аниқлаштиришмоқда.

● Украина ва АҚШ космос соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан битим тайёрлашди.

● Кеча курраи заминнинг глобал тарзда исиб кетиши натижасида Антарктидада 100 квадрат километрлик улкан айсберг ажралиб чиқди.

● Ҳиндистоннинг жаҳон бозорида энг арзон автомобилларни чиқариш орқали танилган «Тата» компанияси АҚШнинг «Форд» автомобилсозлик компаниясидан машҳур «Ягуар» ва «Лендровер» автомобилларини чиқариш ҳуқуқини сотиб олди. Бу борада 2 миллиард 300 миллион долларлик битим имзоланди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР МУҚАДДИМАСИ БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Россиянинг «Интерфакс» ахборот агентлиги хабарида имзоланган муҳим давлатлараро ҳужжатлар, шунингдек Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаённинг қўшма баёноти тўғрисида маълум қилинади.

Агентлик «давлат раҳбарлари расмий музокаралар чоғида турли йўналишларда, жумладан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги икки томонлама алоқаларнинг бугунги ривожидан мамнун эканликларини билдирди», деб ёзади.

— БАА президенти Ўзбекистоннинг халқ фаровонлигини юксалтириш ва Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни қарор топтириш борасида қўлга киритган ютуқларини қайд этди, — дея қайд этилади «Интерфакс» хабарида. — Долзарб масалаларни муҳокама этиш чоғида давлат раҳбарлари минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш муҳимлигига эътибор қаратди. Улар мамлакатлар билан муносабатларда ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, шунингдек оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тамойилларини қўллаб-қувватлашларини маълум қилди.

Араб тилидаги «Ийлаф» мустақил интернет нашри Президент Ислом Каримовнинг БААга ташрифи якунлари ҳамда олий даражада бўлиб ўтган музокараларни шарҳлаб, Абу-Дабидаги саммит икки томонлама муносабатлар ривожида янги давр муқаддимаси бўлди, деб ёзади.

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган ИКТнинг Ислом ахборот агентлиги ўз интернет саҳифасида «Бирлашган Араб Амирликлари ва Ўзбекистон: ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди» сарлавҳали мақолани жойлаштирди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг БААга ташрифи чоғида имзоланган муҳим ҳужжатлар тўғрисида хабар берилади. Жумладан, сиёсий, иқтисодий соҳалардаги ҳамда хавфсизлик масалаларидаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши экани зикр этилган.

Ташрифни кузатиб борган экспертларнинг фикрича, иқтисодий сиёсат борасида давлатлар раҳбарлари умумий ёндашувга эга экани савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун катта истиқболлар эшигини очади. Музокаралар чоғида томонлар ўзаро алоқаларда иқтисодий йўналишни устувор тартибда ҳар тарафлама ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

ХХР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хитой халқаро муаммолар институтининг ШҲТ тадқиқотлари маркази директори Чэнь Юйжун фикрига кўра, Ислом Каримовнинг БААга мазкур ташрифи Ўзбекистоннинг араб дунёси мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган интилишининг тасдиғидир.

«Муҳокама этилган кенг доирадаги масалалар, шунингдек имзоланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга ўзаро қизиқиш билдирилаётганидан далолатдир. Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликларининг халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликка нисбатан нуқтаи назарлари яқинлиги, шунингдек, икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришга бўлган интилиши бу борада муҳим омил бўлаётир», — дейди хитойлик эксперт.

ХХР ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти ходими Су Чан таъкидлаганидек, имзоланган икки томонлама келишувларнинг ўзиёқ мазкур ташрифнинг нечоғли самарадор бўлганини кўрсатмоқда. Бинобарин, бунинг замирида икки халқнинг маънавий-маданий яқинлиги ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда дунёга ном таратган тарихий-маданий меросни тиклаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ушбу мамлакат билан БАА ва бошқа араб давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни самарали ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.

Сеулдаги Эвха университети Халқаро тадқиқотлар мактаби профессори Чой Бёнг-ил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи якунларини баҳолар экан, ташриф Марказий Осиё билан Араб мамлакатлари ўртасида муваффақиятли ҳамкорлик учун муҳим аҳамиятга эга дея қайд этди.

«Амалга оширилаётган иқтисодий ва таълим ислоҳотлари кўлами жиҳатидан Ўзбекистон ўз минтақасида етакчи ўринни эгаллагани каби, БАА ҳам сўнгги йилларда араб мамлакатлари сафида бу борада пешқадамлик қилмоқда.

Корея Республикаси Президенти Ли Мёнг Бак кореялик ишбилармонлар ҳамда давлат амалдорларини миллий ва халқаро бизнес фаолияти учун имкон қадар дўстона ва самарали муҳитни яратиш борасида БААнинг иқтисодий ислоҳотлар тажрибасини ўрганишга бир неча бор даъват этди. Шу маънода ҳудудида катта миқдорда табиий заҳиралари мавжуд Ўзбекистон, углеводородларга бой БАА мисолида иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муваффақиятли намунасига эга бўлди», — дейди у.

«Токио» жамғармаси етакчи эксперти Ёшиаки Сасакининг фикрича, Узоқ Шарқ ва Европа иқтисодий ишлаб чиқариш йўллари чорраҳасида жойлашган БАА «халқаро иқтисодий марказлардан бири» сифатида эътироф этилган. Шу маънода Ўзбекистон раҳбариятининг Бирлашган Араб Амирликлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш борасидаги оқилона амалий қарори мамлакатлар ўртасидаги ишбилармонлик алоқалари фаоллигини янада кенгайишини таъминлайди ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига киритиладиган сармоялар ҳажмининг ўсишига хизмат қилади.

«Икки давлат ўртасида эришилган пахта толасини етказиб бериш тўғрисидаги келишув Ўзбекистон раҳбариятининг ҳар тарафлама чуқур ўйланган стратегиясидан далолатдир. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг мўқобил йўллар орқали жаҳон бозорига чиқишини таъминлашга йўл очиши, шубҳасиз», — дея таъкидлади Ё.Сасаки.

Академик Р.Рахмоналиев (Қирғизистон) юртимиз делегациясининг Абу-Дабига ташрифи мобайнида эришилган иқтисодий йўналишдаги келишувлар хусусида тўхталиб, БАА нефть савдосидан тушаётган даромаддан давлат иқтисодиётини диверсификациялаш ва уни юксалтириш йўлида омилкорлик билан фойдаланиб келаётган мамлакатлар сирасига киришини қайд этди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар ғояси ҳам айнан шунга ўхшаш хусусиятга эга. Бу, яъни, мавжуд ўз ресурсларини иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизация қилиш, замонавий саноат технологияларини жорий этишга имкон қадар кўпроқ сафарбар қилишдан иборат.

Р.Рахмоналиев ўз сўзи якунида ташриф чоғида савдо-иқтисодий соҳада, шунингдек молиявий ва сармоявий ҳамкорлик борасида бир қатор йирик битимлар имзолангани Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларнинг мустаҳкам пойдеворига асос солганини таъкидлади.

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

БУЮРТМАЛАР ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА БАЖАРИЛМОҚДА

БУЮРТМАЧИ ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШ, УЛАР УЧУН КЕРАКЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ВАҚТИДА ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ, АЛБАТТА, КОРХОНА НУФУЗИ ОРТИШИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Пойтахтимизда 1998 йилдан буён ўз фаолиятини йўлга қўйган «TRANSTEX-SERVIS» масъулияти чекланган жамиятида ҳам ҳар бир буюртма тез ва соз бажарилмоқда. Бунинг учун уларга Россиядан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар яқин мададкор бўлмоқда.

— Жамоамиз катта бўлмасада йирик корхоналарнинг буюртмаларини муваффақият билан уддалашга муваффақ бўляпмиз,— дейди корхона директори Александр Огай.— Асосан темир йўллари учун жиҳозлар, яъни устки қисм учун ҳамда мустаҳкамловчи деталлар тайёрлаб берамиз. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритиб, маҳаллий хом ашёдан сифатли ва зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга эришяпмиз.

Корхона маҳсулотларидан бугунги кунда «Ўзбекистон темир йўллари», «Тошкент метрополитени», «Аммофос», «Шўртангаз» кимё мажмуаси сингари корхона ва ташкилотларда кенг фойдаланилмоқда.

ШАХСИЙ ГАЛЕРЕЯ ОЧМОҚЧИ

ҲАР БИР ҲУНАРНИНГ ЎЗИГА ЯРАША ЗАВҚИ, СИР-АСРОРЛАРИ ВА МАШАҚҚАТЛАРИ БОР. МОМОЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗЛАБ КЕЛГАН КАШТАЧИЛИК ҲАМ ЎЗИНИНГ ТУРФА РАНГ ЖИЛОЛАРИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Дилфуза Фозилова ҳам каштачилик ҳунарини бувиси Мукамбар аядан ўрганган. Ўзининг қизиқувчанлиги ҳамда қунт-саботи боис ҳам у ушбу ҳунарни мукаммал эгаллаб олди. Болалигидан қўлига игна тутган Дилфуза аввало оддий буюмлар тайёрлаган бўлса, 10 йиллик фаолияти даврида тажрибаси ортиб уста каштачи чеварга айланди.

— Ҳар бир ҳунарга меҳр қўйсангиз, ўрганишга астойдил интилсангиз, ишингиз бароридан келаверади, — дейди ёш ва иқтидорли каштачи Дилфуза Фозилова. — Ушбу ҳунарни аввало бувимдан, кейинчалик эса устозларимдан ўргандим. Маҳсулотларга турли нақшлар тикар эканман, аввало миллий қадриятларимизга эътибор қаратаман. Ипакларни шундай танлайманки, у маҳсулотимга ўзгача жило берсин, нафислигини оширсин, кўрган кўзларни қувнатиб турсин.

Дилфуза Фозилова ҳозирда пойтахтимиздаги «Абулқосим» мадрасасида фаолият кўрсатмоқда ва ёш шогирдлар тайёрламоқда. У тиккан каштачилик буюмлари мадраса қошидаги дўконда харидорини топмоқда. Ана шундай харидорлар орасида хорижликларнинг ҳам борлиги, уларнинг каштачилик буюмларига катта қизиқиш билдириб, буюртмалар бераётгани қувонарлидир. Бу, албатта Дилфузани янада изланишга, янги-янги эсдалик совғалари тайёрлашга ундамоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўз ҳунари билан эъзоз топаётган Дилфуза Фозилова Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Учтепа туман босқичида фаол иштирок этиб, фахрли 3-ўрин соҳиби бўлди. Унинг келгусидаги ниятлари халқаро кўргазмаларда ўз санъатини намоён этиш ҳамда уйида шахсий галереясини очишдир.

Шарофат БАҲРОМОВА

СИФАТЛИ, БЕЖИРИМ ПОЙАБЗАЛЛАР

КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДА ПОЙАБЗАЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС МУҲИМ ЎРНИ БОР. МАВСУМБОП ОЁҚ КИЙИМЛАРНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭСА УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙНДА ЯРАТИЛГАНЛИГИ, СИФАТИ, ҚУЛАЙ, ЯРАШИҚЛИГИ ВА АЛБАТТА, ТАННАРХИ КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Чилонзор туманида 2006 йилдан фаолият юритаётган «SAELONA-PLUS» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам сифатли ва бозор талаблари асосида маҳсулот тайёрлаб, мижозларни мамнун қилишмоқда.

— Ички бозорни, харидорнинг дид ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда иш юритамиз,—дейди жамият бошқаруви раиси Ли Дэ Хи. — Аёллар пойабзаллари учун асосий хом ашё—жаҳон андозаларига жавоб берадиган бежирим тагликларни Жанубий Корея давлатидан келтирамиз ҳамда сифатли тери маҳсулотларидан фойдаланамиз. Асосийси, касб-маҳоратли маҳаллий ёшлар тўқсон фоиз ишни қўлда қойилмақом бажаришади.

Мазкур жамиятнинг тадбиркорлари пойабзалларнинг дизайнига, ёрқин рангларда ишлаб чиқарилишига эришишда самарали саъй-ҳаракатни амалга оширмоқда. Эътиборли томони, эксклюзив оёқ кийимларга ҳам якка тартибда буюртмалар сони анча ортиб бормоқда. Боиси эса улар кўркам, қулай, енгил ва инсон саломатлигига бехатар бўлиши учун пойабзалчилар масъулиятни тўла ҳис қилишади.

МУНОСИБ УЛУШ ҚЎШИШМОҚДА

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУНОСИБ УЛУШЛАРИ БОР. ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН УЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОШИБ БОРАЁТГАНИДА МУҲИМ ОМИЛ ҲИСОБЛАНАДИ.

Пойтахтимизда 2006 йилдан фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Сайдали Тожихонов ҳам ҳозирда 9 нафар маҳалладошларини иш жойлари билан таъминлади. Улар цехда Германия, Россия давлатларидан келтирилган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг самарали кичик новвойхона, печь, дастгоҳ ҳамда ускуналари мададида сифатли, хушталъм, бўрсилдок, асосийси шифобахш нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда.

Эътиборли томони, барча маҳсулотлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланади. Жорий йил охиригача хусусий корхонани кенгайтириш ҳисобига янги цехни ишга туширишни мақсад қилган тадбиркор яна 5 нафар фуқарони иш билан таъминлашни режалаган.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

Наврўз нашидаси

МАҲАЛЛАДА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ «ЯНГИ СЕБЗОР» МАҲАЛЛАСИ КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН БЎЛСА-ДА, АТРОФ-ҲУДУДИНИНГ ОБОДЛИГИГА, БАРЧА ТАДБИРЛАРНИ БАМАСЛАҲАТ ЎТКАЗИШГА, АЙНИҚСА АҲОЛИНИНГ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШГА МУҲИМ ЭТИБОР ҚАРАТИЛАДИ.

Дарҳақиқат, аҳиллик бор жойда ишда унум, оилада файз-барака ҳам бўлади. Маҳалла ободлигини таъминлашда фуқаролар йиғини раиси Мунира Солиҳованинг атрофига жам бўлган фаоллар ва маслаҳатчиларнинг бир ёқадан бош чиқаришлари, ҳомийларнинг саховатлари айниқса, қўл келмоқда.

Куни кеча маҳаллада бўлиб ўтган Наврўзи олам байрами тадбирида ҳам кўрсатилган саховатдан маҳалладошларнинг диллари яйраб, дуога қўл очишди. Зеро, шу куни кам таъминланган, ёрдамга мухтож, боқувчисини йўқотган оилалардан 95 тасига жами 14 миллион сўмлик кўмак кўрсатилди. Шулар жумласидан кўплаб оилаларнинг коммунал тўловларидан қарзларини қоплашга шарт-шароитлар яратилди. Кўплаб фидойи, эл хизматига камарбаста маҳалладошларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Кўк сомса, кўк чучвара, сумалак каби тансиқ баҳорий таомлар тортилган дастурхон атрофидан ўрин олган маҳалланинг табаррук отахон-онахонлари, заҳматкаш кишилари байрам тадбирига ташриф буюрган ўзбек миллий академик драма театри актёрлари Мадина Мухторова, Феруза Бобохонова ва бошқаларнинг қувноқ чиқишлари, Шавкат Толипов ижросида ширали қўшиқлардан бир олам завқ-шавқ олишди.

Шунингдек, тадбир давомида «Энг яхши қайнона», «Намунали келин», «Энг яхши йўлакбоши», «Энг яхши уйбоши» каби етти йўналиш бўйича ўтказилган танлов ғолиблари ҳам муносиб тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Янги Себзор» маҳалласида ўтган байрам тадбиридан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

АСРЛАРДАН АСРЛАРГА ЎТИБ ТОБОРА САЙҚАЛ ТОПИБ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БОР БЎЙ-БАСТИНИ КЎРСАТИБ ФАЙЗИ-ТАРОВАТИ БИЛАН КЎНГИЛЛАРГА БИР ОЛАМ ҚУВОНЧУ ШОДЛИК УЛАШИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎЗИ ОЛАМ ШОДИЁНАСИ ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА ДАВОМ ЭТИБ СОҒИНГАН, ИНТИҚ ДИЛЛАРГА АЖИБ КЎТАРИНКИЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ТУЙҒУЛАРИНИ УЛАШМОҚДА.

КЎНГИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Ўлмас урф-одат, боқий қадриятлар тимсоли бўлмиш улуғ айёмни ёруғ юз билан кутиб олган ҳар бир ҳамшаҳримиз, корхона, ташкилот ва маҳаллалар ходимлари ва фаоллар дилида, тилида ажиб шукроналик. Хусусан, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Учтепа туман бўлими томонидан ташкил этилган чиройли байрам тадбири ҳам дилларга ўзгача шукуҳ бахш этди.

— Ҳар йили буюк қадриятларимиз, ва анъаналаримиз кўзгуси бўлмиш ушбу байрамни катта тантана билан нишонлаймиз. Бу йил ҳудудимизда катта ободончилик ишларини амалга ошириб, тир— спортнинг техник ва амалий турларидан ўқ отиш тури биносини қайта таъмирдан чиқариб, зарур шарт-шароитларни яратдик. Бугун тўгарак қатнашчилари учун ҳамма қулайликлар мавжуд бўлиб, ушбу спорт турининг сир-асрорини пухта эгаллашларида яқиндан ёрдам беради, албатта.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида ўсиб келаётган ёш авлоднинг она-Ватанига садоқатли, ватанпарвар, ўз касбининг мутахассиси бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш йўлида изчил иш олиб борилади. Шунингдек, ташкилотнинг асосий вазифаси тизимидаги ўқув муассасаларида ҳар йили Ўзбекистон Қуролли кучлари ва халқ хўжалигига етук мутахассислар ва спортчилар тайёрлаб беришдир. Шу ўринда ташкилот тасарруфидаги ўқув спорт техника клублари қошидаги ҳарбий-амалий аҳамиятга эга бўлган секция ва тўгаракларга ўсмир-ёшларни жалб этиш, уларнинг спорт турларига қизиқишларини ошириш, Ватанимизнинг етук, баркамол ҳимоячилари бўлиб етишишларига кўмаклашишдан иборатдир.

— Ҳозирги кунда шаҳримиз ҳудудида 11 та ўқув спорт-техника клублари, бирлашган техника мактаби ва улар қошида 65 та спорт секциялари фаолият юритиб келмоқда, — дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар раиси ўринбосари Иззат Яманов. — Спортнинг авторалли, автокўпкураш, авто, мотопойга ва мотокросс турлари кенг ривожланиши билан бирга ҳар бир ЎСТКда 3 тадан секциялар ҳамда бошланғич ташкилотларда 168 та спорт секциялари ва тўгараклари мавжуд. Уларда 10-14 ёшдаги вояга етмаган ўсмирлар, (улардан 1036 нафари ўғил болалар, қиз болалар 174 нафар), 15-18 ёшдаги ўғил болалар 3229 тани, қиз болалар 424 нафарни ташкил этади. Мақсадимиз ўсиб келаётган ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари, жисмонан соғлом, теран фикрловчи, комил инсон бўлиб улғайишларига ҳисса қўшишдир.

Бўлиб ўтган тадбирда шунингдек спортнинг техник ва амалий турларидан — ўқ отиш бўйича шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Голиб ва қатнашчилар Кенгаш томонидан муносиб тақдирланиб эсдалик совғалари топширилди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши ва унинг ўн битта туман бўлимлари ходимлари, маҳалла ва корхоналардан ташриф буюрган меҳмонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда баҳорий таомлардан байрам дастурхони тузалиб, куй-қўшиқлар йиғилганлар қалбига бир олам қувонч бахш этди.

Бундай тадбирлар юртимиз узра ҳали давом этиб яна қанчаданқанча кўнгилларга қувончу ғурур бахш этади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

БОҒЛАР ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧАДИ

ЎЛКАМИЗДА БАҲОР ФАСЛИ ЎЗИНИНГ ҲУСНУ ТАРОВАТИ, ГЎЗАЛЛИГИ БИЛАН БУТУН БОРЛИҚНИ ГУЛ-ЧЕЧАКЛАР, ЯШИЛ МАЙСАЛАР БИЛАН БЕЗАМОҚДА. ЯШАРИШ, ЯШНАТИШ, ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ НАВРЎЗ НАШИДАСИДАН ДИЛИМИЗ ҚУВОНЧГА ТЎЛМОҚДА. ҲАММА ЕРДА ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖИДА. АЙНИҚСА, ШАҲРИМИЗ ҲУСНИГА ҲУСН ҚЎШИБ ТУРУВЧИ, ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МАДАНИЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИГАН ГЎЗАЛ ВА МАФТУНКОР МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИДА ҲАМ МАВСУМ ОЛДИДАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Шу жумладан Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида мавсум очилишига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу йил боғни яна ҳам кўкаламзорлаштириш, озода ва хушманзара масканга айлантириш мақсадида 100 туп ясен, 100 туп дуб дарахти, 400 туп каштан, 200 туп япон сафораси, 300 туп терак, 500 та яшил арча, 150 туп мажнунтол, 50 туп оқ қайин ва ҳар хил манзарали дарахт ҳамда 10.000 тага яқин анвойи гул кўчатлари ўтказилди. Боғдаги мавжуд дарахтларга шакл берилди, йўл четлари оқланди, 2000 метрга яқин ариқ ва зовурлар хазон ва чиқиндилардан тозаланди. Шунингдек, боғдаги барча ўйингоҳлар техник кўрикдан ўтказилиб, мавсум очилишига тахт қилиб қўйилди. Спорт комплексида ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Савдо шохобчалари, болалар майдончалари ҳам мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Ҳадемай гўзал ҳусну таровати ошиб, яшилликка, гулзор бўстонга айланаётган маданият ва истироҳат боғларининг мафтункор ва хушманзара табиати бизни ўзига чорлайди. Бу жаннатмонанд боғлар нафақат катталар, балки жажжи кичкинтойларимизнинг дам олиб, маданий ҳордиқ чиқарадиган энг севимли масканларидан саналади.

Дилором ИКРОМОВА

Тадбирлар

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

ДИЁРИМИЗГА ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЗИНИНГ ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАРИ БИЛАН ТАШРИФ БУЮРДИ. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА КИРИБ КЕЛГАН НАВРЎЗИ ОЛАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВЛАР, ТАНЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА. ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ 3-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА ҲАМ «МИЛЛАТИМИЗ ЭРТАСИНИНГ КЕЛАЖАГИ» МАВЗУИДАГИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирни академик лицей директори Сирожиддин Жуманазаров кириш сўзи билан очар экан, ўқув муассасанинг бугунги кундаги фаолияти, гуруҳларнинг самарали натижаларига, шунингдек, лицей ўқувчилари учун яратилган шарт-шароитларга тўхталиб ўтди.

Мазкур тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитанинг масъул ходими Шоҳрух Абдурасулов ҳамда Тошкент Православ маънавий институти ўқитувчиси О.Шковародок бугунги кунда баъзи ёшларимизни тўғри йўлдан адаштириб ўзининг қабиҳ ниятларини айнан улар қўли билан амалга оширмоқчи бўлаётган ва Ватанимиз тинчлигига раҳна солишга уринаётган турли диний экстремистик ташкилотлар ва турли хил оқимларнинг зарарли иллатлари ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, улар турли динларни ниқоб қилиб олган, ҳар хил беъмани ва бузғунчи ғояларни ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилаётган гуруҳ ҳақида ҳам ёшларимизга керакли маълумотларни бердилар. Тадбир доирасида ушбу оқимларнинг ғаразли ниятларини фош қилувчи видеотасмалар ўқувчиларга кўйиб берилди.

—Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсадимиз, — дея таъкидлади, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитанинг масъул ходими Ш.Абдурасулов, — ёшларимиз онгини ҳар қандай зарарли ғоялардан халос этиш, уларнинг фикрлаш доирасини янада кенгайтириш, оламга зийрак ва тийрак нигоҳлари билан сергак боқишга чорлашдан иборатдир. Зеро, бугунги ёшлар эртанги кунимизнинг давомчилари, Ватанимиз юксалиши ва тараққиёти йўлида изланиб, интилиб меҳнат қиладиган баркамол авлоддир. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, тўғри йўлга бошлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. «Ёшлар йили» Давлат дастурида ҳам келажак авлоднинг ҳар жиҳатдан камол топиши учун муҳим саналган йўналишлар, узоқни ўйлаб юритилаётган сиёсатимиз замирида эса истиқболи порлоқ ёшларнинг эртасига оид асосий масалалар қамраб олинган.

Дарҳақиқат, миллатимиз эртаси бўлган ёшларнинг онгини ҳар қандай зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш бугунги кунининг долзарб масалаларидан биридир. Шу мақсадда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар замирида фақатгина эзгулик ётади. Эзгулик, яхшилик мавжуд жойда эса ҳамиша тинчлик, осудалик ва хотиржамлик ҳукм суради.

Савол-жавобларга бой тарзда қизиқарли ўтган тадбир ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 3 (189) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

ИНСОН ДОИМО ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИ, ТАБИАТ БИЛАН УЗЛУКСИЗ МУНОСАБАТДА БЎЛАДИ. ТАБИАТИМИЗ БОЙ, ЛЕКИН БУ БОЙЛИКЛАРНИ АСРАШ, УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ҲОЗИРГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

Инсон энг аввало ўзининг меҳнат фаолияти билан атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатади. Бу фаолият оқилона ташкил этилмаса ва табиат билан тўғри муносабат ўрнатилмаса, инсоният ўзи ва табиат учун турли муаммоларни келтириб чиқаради. Булардан бири экологик муаммодир. Инсон юритаётган хўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири доираси ичида энг асосийси тоза сув муаммосидир. Чунки ер юзидаги сувлар атроф-муҳитнинг энг таъсирчан қисми ҳисобланади.

Сув — инсониятга табиат томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо неъмати, бойлиги, инъомидир. Сув ҳаётнинг туғилишида, об-ҳаво ва иқлим ўзгаришида, инсон саломатлигини сақлашда асосий роль ўйнайди. Бугунги кундаги бизнинг асосий вазифаларимиздан бири сувни тежаш чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш, уни ифлосланишдан сақлаш, исроф бўлишининг олдини олишдан, атроф-муҳитнинг табиий ўзгаришларини ўрганишдан, назорат қилишдан иборатдир.

Шаҳримизга тоғлардан келиб қуйиладиган дарёлар оби ҳаётимиз манбаи, ризқи-рўзимиз, ноз-неъматларни яратувчи бебаҳо бойлигимиздир. Сув исроф бўлаётган манзарани кўрганимизда беихтиёр унинг муқаддаслиги ҳақида эшитганларимиз, кузатишларимиз ёдимизга тушади. Ер курраси да сувлар турлича жойлашган. Хусусан, ер ости сувлари ернинг қуйи қатламида жойлашган бўлса, ер устида эса очиқ тоза сувлар мавжуддир. Ер ости сувлари анчагина чуқурликда бўлиб артезиан сувлари номи билан юритилади. Ер усти сувларига Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи Бўзсув, Бўржар, Салор, Қорасув, Дамаши, Кайковус, Найман каналлари киради.

Бу каналлар пойтахт микроиқлимини сақлашда катта аҳамиятга эга. Улар шаҳримизнинг деярли барча туманларидан оқиб ўтади. Уларнинг сув олиш манбаи — Чирчиқ дарёсидир.

Ушбу каналлар бўйларида жойлашган корхоналар, аҳоли яшайдиган маҳаллалар очиқ сув манбаларига турлича таъсир ўтказадилар. Улар орасида тоза сув ҳавзаларига чиқинди оқава сув ташлайдиган корхоналар, маҳаллаларда эса оқава сувларни тўғридан тўғри тоза сув манбаларига чиқарадиган хонадонлар ҳам йўқ эмас. Ҳозирги куннинг долзарб муҳим муаммоларидан бири, бу — очиқ сув ҳавзалари сув муҳофаза зонасини белгилаш, каналлар ва қирғоқларда жойлашган корхона ва хонадонлардан чиқадиган чиқинди оқава сув манбаларини йўқотиш, очиқ сув ҳавзаларимизга оқаётган зилол сувларнинг софлигини сақлашдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, оқар сувларимиз бизнинг бойлигимиз. Уларни ифлослантирмаслик учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб курашишимиз керак.

Бекорга ҳам ота-боболаримиз қадим-қадимдан бошлабоқ табиатга оқилона муносабатда бўлишмаган. Улар нафақат қудуқ суви, балки ариқ ва дарё сувларини ҳам муқаддас билишган. Улардан тежаб-тергаб фойдаланишган. Ифлосланишига мутлақо йўл қўйилмаган. Бугун биз ҳам сувни эъзозлаб қадрласак, уни тоза сақлаш чора-тадбирларини кўрсак, келгуси авлодларга табиатимиз гўзалликларини кам-кўстсиз етказишга ҳаракат қилсак, ҳаётимизнинг гўзал, обод ва фаровон бўлишига кўмаклашган бўламиз.

Д.СУЛТОНОВА,
давлат нозири

СУВНИНГ МУСАФФОЛИГИНИ САҚЛАШ — ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

ҚОНУНЛАР — ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

ТАБИАТ ҚОНУНЛАРИНИ ЯХШИ ТУШУНИШ, УНГА НИСБАТАН ТЎҒРИ МУНОСАБАТДА БЎЛИШ УЧУН АВВАЛАМБОР ИНСОН ТАБИАТНИ СЕВИШИ КЕРАК. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 55-МОДДАСИДА ЕР, ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ, СУВ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ҲАМДА БОШҚА ТАБИИЙ ЗАҲИРАЛАР УМУММИЛЛИЙ БОЙЛИКЛАР. УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР ВА УЛАР ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДАДИРЛАР, ДЕЙИЛГАН.

1997 йил 26 декабрда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Қонун 41 та моддадан иборат бўлиб, уларда ҳайвонот дунёсининг объекти, ҳисоби, давлат кадастри, ҳайвонот дунёсини муҳофаза ва назорат қилиш, ундан фойдаланиш, ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Қўмитамизнинг «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш» гуруҳи давлат нозирлари юқоридаги қонунларга асосан, шаҳримиз ҳудудларидаги бозорларда ноқонуний равишда сотиладиган давлат мулки ҳисобланган ҳайвонот дунёси объектларини ҳимоя қилиб мунтазам равишда рейдлар ўтказиб келишади.

Шу йилнинг ўтган 1,5 ойи мобайнида «Янгиобод» ОАТ ихтисослаштирилган бозор ҳудуди ҳамда «Чорсу» буюм бозори ҳудудларида тезкор тадбир рейдлари ўтказилди.

Рейд натижасида 10 дан ортиқ ўрмон сайроқи қуши (саъва) иккита «оксар», битта бойўғлининг ноқонуний равишда сотилиши ҳолатига чек қўйилди.

Бу албатта она-табиатимизни севмайдиган кишиларнинг ишларидир.

Табиатни қанчалик эъзозласак, бойликларини асрасак, у келажак авлод учун ҳам доимий хизмат қилади.

Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА,
давлат нозири

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН ДАСТЛАБКИ ДАВРДАЁҚ МАМЛАКАТИМИЗДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УШБУ МАСАЛА ЮЗАСИДАН ҚОНУНИЙ ТАЪСИР ЧОРАСИНИ БЕЛГИЛАШ МАҚСАДИДА ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР МАЖМУАСИ ЯРАТИЛДИ. КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТЕГИШЛИ МОДДАЛАРИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ АТРОФ-ТАБИИЙ МУҲИТГА ЭҲТИЁТКОРОНА МУНОСАБАТДА БЎЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.

Шундан келиб чиқиб 1992 йил 9 декабрда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда кейинчалик экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган кўплаб қонунлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Экологик соҳада ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши билан бир қаторда ушбу соҳада назорат ишларини олиб борувчи Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил қилинди. Айни пайтда ушбу қўмитанинг вилоятларда қўмиталари, туман ва шаҳарларда табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари фаолият олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни ҳимоялаш ва мавжуд табиий муҳитни соф ҳолатда сақлаб, келажак авлодларга етказишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар давлатимиз миллий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда Республикамизнинг асосий тармоқларидан бири аграр соҳада ислоҳотлар амалга оширилиб, мулкчиликнинг турли шаклларида мулкий муносабатлар таъминланган, яъни фермер хўжаликлари ташкил этишга шароит яратилди. Ҳозирда давлатимиз томонидан фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шундай шарт-шароитлар яратилган бўлсада, аксарият жойларда бошоқли дондан бўшаган майдонлардаги сомон қолдиқларини ёқиб юбориш анъанага айланган. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра 1 гектар майдонда бошоқли дон пояси ёқилганда атмосфера ҳавосига 500 грамм азот оксиди, 379 грамм углеводород, 3 килограмм кул, 20 килограмм ис гази ва углерод оксиди (CO) ташланади. Тупроқ структураси бузилиб, эрозия кучаяди. Натижада табиий ёки антропоген таъсирлар натижасида тупроқ унумдорлиги, унинг хусусиятларининг ёмонлашиши кузатилади. Яъни тупроқ таназзули юзага келади.

Ер ости бойликлари жадал суръатларда қазиб олинаётган бўлса-да, бироқ фойдали қазилма конларини қайта тиклаш, яъни рекультивация ишлари талаб даражасида эмас. Долзарб экологик муаммолардан бири турли хилдаги саноат ишлаб чиқариш чиқиндиларининг уюм бўлиб тўпланиши, шунингдек, маҳаллалар ва кўп қаватли уйлар атрофида баъзан рўзғор чиқиндиларининг турли жойларда тартибсиз сочилиб ётишидир. Бундай ҳолатлар инсон саломатлигига хавф туғдирувчи турли хилдаги юқумли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Биринчидан, экология муаммосини ҳал этишда инсон омили муҳим ўрин тутади. Бунинг учун ҳар бир инсондан табиатга, атроф-муҳитга маданий муносабатда бўлиш руҳиятини, масъулият маданиятини шакллантириш зарур, иккинчидан, бугун экология муаммоси фан-техника ютуқлари, янги технология жараёнлари, табиатдан баъзан ноқилона фойдаланиш ҳолатларининг мавжудлиги билан алоқадордир. Шунинг учун ҳам фан-техника тараққиётида унинг зарарсизлантира оладиган қурилма мосламаларини кўпроқ ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият бериш керак бўлади.

Учинчидан, экологик муаммоларни кенг тарғиб-ташвиқ этиш, фуқароларда экологик маданиятни юксалтиришга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирларни янада кучайтиришни тақозо этилади. Бу экологик хавф-хатарларнинг олдини олади. Истиқболда инсон ва табиат ўртасида ўзаро мувозанатни таъминлашга, уйғунликка эришишга олиб келади.

Файзулла ФАТХУЛЛАЕВ

ЖАРИМАЧИЛАР

2008 йилнинг март ойида табиатни муҳофаза қилиш қонунларига риоя қилмаганликлари учун нозирлар томонидан солинган жарималардан қуйидагиларни мисол тариқасида келтирса бўлади:

● Бектемир туманидаги Қўйлиқ деҳқон бозорида жойлашган «Дил-Диёр» хусусий фирмасининг ёрдамчи хўжалик хонасида 3 дона таркибида симоб моддаси бўлган лампалар махсус ғилофларсиз сақланганлиги учун «Дил-Диёр» хусусий фирмасининг директор ўринбосари М.Бекназаров Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1 моддасига асосан 19000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

● Бектемир туманидаги «Қумсоз» ш/к ҳудудида жойлашган ошхонанинг қурилиши давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасиз амалга оширилганлиги учун, қурилиш раҳбари Ш.Эгамбердиев Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 96-моддасининг 1-бандига асосан 55000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

● Юнусобод туманидаги 2515-автожамланма бош муҳандиси Ш.Мирзамуродов автожамланма ҳудудидан ўтувчи «Салор» канали қирғоғи атрофида маиший чиқиндилар тозаланмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1 моддасига биноан 18630 сўм миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

● Бектемир туманида жойлашган «POLIMER SAVDO» МЧЖ раҳбари Д.Исаев корхона томонидан зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавосига ташланганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 85-моддаси 1-бандига асосан 56000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

● Бектемир туманида жойлашган «Нерудник 4» ШХЖ корхонасида автотранспорт чиқараётган ва механизмлардан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори назорат қилинмаганлиги ва цех ҳудудида ерга мой тўкилганлиги учун ШХЖ механиги А.Абдурахманов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддасига асосан ердан хўжасизларча фойдаланиш ва табиатга келтирган зарари учун 93000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

Сўранг, жавоб берамиз

КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?

Қайнонам анчадан бери хаста. Мен унинг ёнида иссиқ-совуғидан хабар олиб ўтиришимга тўғри келяпти. Ўзимнинг икки нафар болам бор. Айтингчи, беморга қараганим учун касаллик варақасига пули бериладими?

Дилбар Низомова,
Сергели тумани

— Сиз сўраётган «бюллетен пули» аслида меҳнатга қобилиятсизлик даври учун касаллик варақаси бўйича тўланадиган нафақа деб юритилади. Бундай нафақалар ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан тўланиб, унинг миқдори меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган ходимнинг умумий иш стажига боғлиқ бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, касаллик варақаси одатда ишлаётган ходимларга берилади. Истисно тариқасида эса вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили ишдан бўшагандан кейин бир ой ичида юзага келса, шунингдек, собиқ ҳарбий хизматчилар Қуролли Кучлар сафидан бўшаганларидан сўнг бир ой ичида касал бўлиб қолсалар уларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари рухсати билан касаллик варақаси берилиши мумкин.

Сиз қайнонангиз касаллиги сабабли ҳеч қаерда ишламагансиз. Демак, сизга касаллик варақаси берилмайди.

СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИ

Ўқиган мутахассислигим бўйича оладиган маошим бироз камроқ. Шунинг учун қўшимча иш олмоқчиман, лекин икки корхонада ишлаганлик учун ойлик камроқ ёзилар экан. Шу ҳақда тушунтириш берсангиз.

Собит Мирахмедов,
Юнусобод тумани

— Икки жойда ишлаганларга ойлик маош кам ёзилмайди, балки қўшимча даромад олганлик учун солиққа тортилади.

СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Машинамда 65 км соат тезликда келаётган эдим. Йўлда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими тўхтатиб, ҳайдовчилик гувоҳномамни олиб қўйди. Энди нима қилишим керак.

Жалол Носиров,
Миробод тумани

— Агар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими ҳақиқатан ҳам сизга нисбатан нотўғри маъмурий чора қўллаган бўлса, даъво аризаси билан судга мурожаат қилишингиз мумкин.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ?

Меҳнат билан боғлиқ низолар қандай ҳолларда туман ёки шаҳар судида кўриб чиқилади.

Беҳзод Мардонов,
Мирзо Улуғбек тумани

— Меҳнат билан боғлиқ меҳнат низолари қуйидаги ҳолларда бевосита туман ёки шаҳар судида кўриб чиқилади:

— агар ходимнинг ишлаш жойида меҳнат низолари бўйича комиссия тузилган бўлса;

— меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари тарифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлаш ҳақида бўлса;

— меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарар (шу жумладан, маънавий зарарни), унинг мол-мулкига етказилган зарарнинг иш берувчи томонидан тўланишига доир бўлса;

— Меҳнат кодекси 78-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги тўғрисида бўлса;

— низо иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан тақдирда ва ҳоказо.

Мазкур модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган меҳнат низоларидан бошқа низолар ҳам ходимнинг хоҳишига кўра бевосита туман ёки шаҳар судида кўриб чиқилиши мумкин. Агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, хўжалик суди томонидан ҳам кўриб чиқилади.

ҚОНУНГА ЗИД ЭМАС

Онам вафотларидан сўнг отам бошқа турмуш қурмадилар. Мен қиз бола бўлсамда отамга қараяпман. Икки акам эса мерос талашиш билан овора. Шуларни ҳисобга олган отам уй-жойни менинг номимга ҳужжатлаштирмоқчилар. Бу қонунга зид эмасми?

Соҳиба Тўланбоева,
Собир Раҳимов тумани

— Отангиз уй-жойнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланади. Шунинг учун уни сизга ҳадя қилиш ёки мерос қилиб қолдириш қонунга зид эмас.

ҚАЙНОНАНГИЗ ҲАҚ

Қайним уйланганидан сўнг биз билан бир хонадонда ўн йилча яшади. Уй-жой солиқларини доим турмуш ўртоғим тўлаб келган. Энди эса қайнонам уйни қайнимга мерос этиб қолдирмоқчи. Ахир, уйга нисбатан бизнинг ҳаққимиз кўпроқ эмасми?

Гўзалой Сиддиқова,
Бектемир тумани

— Қайнонангиз мулк эгаси сифатида уйни хоҳлаган кишига мерос қилиб қолдириши мумкин. Сиз ва турмуш ўртоғингиз эса уй-жойнинг ўзингиз яшаб турган қисмидан фойдаланишга ҳақлисиз.

Абдуғофур ТОЖИЕВ,
ҳуқуқшунос.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Саъдий ШЕРОЗИЙ

ҲИКМАТЛАР

Кўзга боқиб, сурма эмас, кўрса тикан,
Чақмоқ-да чақиб, ўт ичра қолса хирман,
Ёв этса асир, урса яна қўлга кишан,
Дўст ўрнига яхши кўрганингдан душман!

* * *

Кўр жоҳу жалолу ҳусну рангни бирга!
Одам дилини менгзама тош, темирга.
Ким ошиқ эмас бировга ё унга биров,
Ҳеч қилма ҳавас бемаъни бу тақдирга!

* * *

Дўст айбини дўст юзига ким солмаса, бас,
Бу чин дўстлик одатию расми эмас.
Дўстлик шуки, дўсти тўғри йўлдан тойса,
Дўстлик юзидан дўстини дўстим демас.

* * *

Юв, дейди, менга ҳамма, ёмон ёрдан қўл,
Яхшилигидан ёмонлиги мўлдир, мўл.
Ҳар яхши-ёмону ранжу роҳат – неки бор,
Маъқул бари келса нозли ёрдан бир йўл...

* * *

Тақдир сира тадбир билан ўзгармас,
Минг интилу интилма – бирор наф бермас.

* * *

Душманлигидан қайчи кесар шам бошини,
Парвона қилар дўстлигидан жонни фидо.

* * *

Дўст бўлсанг агар, дўстга муносиб дўст бўл!
Дон бўлсину дўст, сен эса унга пўст бўл!
Душманни агарчи юзини кўргинг йўқ,
Дўст кўнгли учун ҳам уни афв эт, дўст бўл!

* * *

Золим кишининг зулми ўзига уради!
Одилга адолат эзгу ном келтиради!
Шоҳ одил бўлса, тахту мулки пойдор,
Шоҳ золим бўлса, борини бой беради!

* * *

Очилса қаерда гул – азалий одат:
Булбулни шу ерда ноласи билмас ҳад.

* * *

Ошиқ кишига қисмат экан сабру чидам.

* * *

Умр – қисқа экан, шодликнинг додини бер!

* * *

Ишратда яшар ким молу давлатга эга,
Билмас у гадо оҳи сабабини – нега?
Жайхуну Фурот тўлиб зилол сув оқади,
Саҳродагилар зор уни бир қатрасига!

* * *

Ҳар макондан топа олдим кон,
Ҳар хирмондан ола олдим дон.

* * *

Ким ўз меҳнатидан топиб еса нон,
Ҳотам миннатини чекмас ҳеч қачон.

* * *

Ранж чекмагунча ганж йўқдур ҳеч жойда,
Меҳнатдан қочмаган топади фойда.

* * *

Ранж чекмай, ганж қўлга кирмайди бешак,
Кунни кўрмаса, тун йиғмайди этак.

* * *

Ким уруғ экмаса тупроққа кузда,
Пушаймонлик бўлар ҳосили ёзда.

* * *

Донодан ўзгага бермагин амал,
Гарчи у қизиқмас бунга ҳеч маҳал.

* * *

Чумоли тер тўкар ёз бўйи,
Қишда зориқмаслик фикр-ўйи.

* * *

Даромад истасанг, ишга бел боғла

* * *

Адоват кўзига фазилатдан каттароқ айб йўқ.

* * *

Бойлик давлатда эмас, фазилатда.

* * *

Ҳунар ҳамиша қайнаб турган бир чашма ва сира тугамайдиган чексиз давлатга ўхшайди. Ҳунарманд давлатидан айрилса ҳам ҳеч бокиси йўқ, чунки ҳунарнинг ўзи унга доимий давлатдир ва ҳар қаерга борса, қадр топиб, тўрга ўтади, ҳунарсиз эса бир бурда нонга минг бир азоб билан етишиб, қийинчиликдан боши чиқмай яшайди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

1850 x 2950 x 100 мм.ли, 640 x 2435 x 16 пўлат; гильотина, ишламайдиган ҳолдаги фрезерлик дастгоҳи сотиб оламан.
Т: 305-03-54.

Футбол

МУХЛИСЛАР КУТГАН АЖОЙИБ ҒАЛАБА

КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ «МҲСК» СТАДИОНИГА ЙИҒИЛГАН МИНГЛАБ МУХЛИСЛАР ФУТБОЛ БЎЙИЧА 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА УЮШТИРИЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ УЧИНЧИ БОСҚИЧИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН—САУДИЯ АРАБИСТОНИ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ГУРУҲ БАҲСИНИНГ ГУВОҲИГА АЙЛАНИШДИ.

Ливанлик чарм тўп усталари билан ўтказилган дастлабки учрашувда кичик ҳисобда ғалаба қозонган футболчиларимизга араблар билан уюштирилган муҳим баҳсда уч очкога эга бўлиш ниҳоятда зарур эди. Шуни таъкидлаш жоизки, гуруҳда пешқадамликка даъвогар жамоалардан бири Саудия Арабистони чарм тўп усталари билан ўтадиган ҳар бир беллашув муросасиз кечади.

Шу боисми терма жамоамиз ушбу баҳсга жиддий тайёргарлик кўрди. Рауф Инилеев ҳам майдонга мамлакатимизнинг энг маҳоратли футболчилари — Нестеров, Алиқулов, Ашурматов, Иномов, Суюнов (Николаев), Аҳмедов, Жепаров (Гейнрих), Карпенко, Копадзе, Ҳайдаров (Иброҳимов), Шацкихларни туширди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқалари тенг курашлар остида кечган бўлсада, кўп ўтмай ҳамюртларимиз устунликни қўлга киритишди. Рақиб дарвозаси томон уюштирилаётган хавфли вазиятлар, чиройли комбинациялар самара бериб 45-дақиқада Копадзе бурчакдан жамоадоши оширган тўпни дарвозага аниқ йўллади ва ҳисобда терма жамоамизнинг олдинга чиқиб олишини таъминлади.

Иккинчи бўлим эса деярли футболчиларимизнинг шиддатли ҳужумлари остида кечди. Аввалига Шацких меҳмонлар дарвозасини ишғол этган бўлса, ҳакам томонидан белгиланган пенальтини амалга оширишда Жепаров хатоликка йўл қўймади.

Меҳмонлар устидан йирик 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган терма жамоамиз гуруҳда олти очко жамғариб ягона пешқадам бўлиб олди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОНДА МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТДАГИ МИЛЛИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА "ЎЗБЕКИСТОНДА МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ"НИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур тадбир Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистондаги Миср маданияти кунлари жорий йилнинг 25 мартидан 31 мартига қадар Миср Араб Республикасининг етакчи санъат намояндалари иштирокида ўтказилади. Ҳафталик давомида ҳар куни марказ биносида Миср бадиий фильмлари намойиш этилади. Бундан ташқари, Қоҳира университетининг нозик санъат факультети доценти, графика, акварель ва рассомлик бўйича уч маротаба ёшлар Салони миллий мукофоти совриндори Сайид Иброҳим Муҳаммад Кандийлнинг кўргазмаси ташкил этилади.

— Ушбу ҳафталик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди санъатшунос Шоира Ғуломова. — Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустҳакамланишида эса албатта санъатнинг ўрни беқиёс. Рассом асарларига боқсангиз ёки санъаткорларнинг чиқишларига эътибор берсангиз ватанга муҳаббат, дўстга вафодорлик сингари эзгу ғояларни кўришингиз мумкин. Шундай экан бу икки халқнинг нияти бир, кўнгли яқин.

Тадбирда "Ҳуррия" гуруҳининг чиқиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Мазкур гуруҳ 55 га яқин рақкос ва мусиқачилардан иборат бўлиб, Венгрия, Туркия, Озарбойжон, Испания, Корея сингари мамлакатларда ўз чиқишлари билан иштирок этган. Гуруҳнинг ушбу чиқишида Искандария даври, Миснинг турли ҳудудларидаги анъаналар, халқ маданияти тарғиб этилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс"

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИДА НАФОСАТГА ЙЎҒРИЛГАН ЖОЗИБАЛИ МЎЙҚАЛАМ УСТАЛАРИ ОРАСИДА РАССОМ НОДИРА ОРИПОВАНИНГ ҲАМ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР. У БЕНЬКОВ НОМИДАГИ РАССОМЛИК БИЛИМ ЮРТИ ВА ТОШКЕНТ ТЕАТР ВА РАССОМЛИК (ҲОЗИРГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ) ИНСТИТУТИНИНГ ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР БЎЛИМИДА ТАҲСИЛ ОЛГАН. ПРОФЕССОР М.САИДОВ УСТАХОНАСИДА «САМАРҚАНД НОНЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ ДИПЛОМ ИШИ ЎЗ ДАВРИДА ТУРЛИ МУНОЗАРАЛАРГА САБАБ БЎЛГАН.

Санъатнинг сеҳрли олами

ЖОЗИБАЛИ МЎЙҚАЛАМ УСТАСИ

Кўргазма рассомнинг «Автопортрети»дан бошланган. Асарда ғайритабиий руҳият оламига ғарқ бўлган, кўз қарашларидан қалби нотинч аёл образи гавдаланади. Рассомнинг «Баҳор», «Эски ҳовли» деб номланган асарларида эса институтда олган билимларини илк мустақил ижодда ўзига хос қўллаган маиший ва манзара асарлари уч ўлчамли тасвирда намоён бўлади. «Дилбар», «Куз қўшиғи» асарларида биринчисида «фототасвир» янглиғ ифодавий кўлам орқали бадиий ифода этиш хусусияти, қаламчизгидан олган билимлари, рангтасвир борасидаги иқтидори яққол намоён бўлган. Композицион сиқиқлик, образ руҳиятини очишда айрим беўрин штрихнинг йўқлиги асар моҳиятининг бутун борича юзага чиқишини таъминлаган. «Куз қўшиғи» асарида дутор чалатуриб, мусиқа оламига руҳан тортилиб, шу оралиқда ўйга толган аёл ички олами, ҳижрон ё ижодиёт дунёсига ғарқ бўлган ҳолат экспрессив ранглар уйғунлигида ёрқин ифода этилган. Ижодиёт, ҳаётнинг машаққатли сўқмоқлари аёл сиймосида мана ман деб юзага чиқади. «Меҳр», «Дурдоналар» номли асарларида ҳам доимий ва абадий мотив, инсоният яратилгандан буён унинг моҳиятини ташкил қилувчи мавзулар рассомни ижодга ундаган. Ҳар бир ижодкор ўз ички руҳияти, қисмати, фикрлаш олами, характеридан келиб чиқиб бу муаммони ўзича ҳал қилиб келган. Нодира Орипова ҳам ўзига хос ички руҳиятини ранглар уйғунлигида, чизгилар характери, композицион қурилмалар эпкинида тўкиб солган. Унинг «Парилар суҳбати», «Кўксарой гўзали», «Афросиёб маликалари» номли композицион қурилмали мураккаб изланишларида ранг доғлари, мўйқаламининг шашти билан ўзига хос олам, тасвир муҳитини бунёд этган.

«Парилар суҳбати» асарида тилларанг, кумушсимон, сарғиш мавжли қизғиш тақинчоқлар, осориатиқалар, минг йиллардан буён шаклланиб келган халқ амалий санъати дурдонасига айланган мунчоқ, маржон, турли зеби зийнат аёл руҳияти, ички дунёсига монанд безаклар, қимматбаҳо атиқалар композиция асосини ташкил қилади. Шунингдек, асарда нозанин аёллар руҳияти, уларнинг тақдири ва қисмати, ҳар бирининг ўзига хос ўй-фикри, муносабатларида, руҳий ҳолатларида сирли, назокатли қайтарилмас бир алоҳида руҳ сезилиб туради. Ижодкорнинг «Кўксарой гўзали» композицияси колорити совуқ ранглар нисбатида тузилган. «Афросиёб маликалари» қизил ва оқ ранглар қарама-қаршилигидаги дағал, ғадир-будир ранглар орқали алоҳида бир фактура кашф этган. Бу маҳорат бобидаги ўзига хос ишлаш услуби рассом фикрининг юзага чиқишида бадиий топилма, ифодавий воситанинг кучидан тўла фойдаланиш имкониятини яратган.

Нодира Орипова тобора шарқ руҳига тортилиб, Европа бадиий мактабида олган билимларини, маҳорат бобидаги тажрибаларини икки ўлчамли тасвирлар кўламида унумли қўлламоқда. Чизгилар эпкини, маҳорати, жўшқин ижоди рассомнинг «Рақс», «Анор» композицияларида яққол кўзга ташланади. Нодиранинг нафис ва бетакрор ижоди санъатсевар мухлислар эътиборини доимо ўзига тортади ва чуқур мушоҳада этишга, мазмун-моҳиятини теран англашга ундайди.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ

СУРАТДА: иқтидорли рассом Нодира Орипованинг ижодидан намуна.

Кунлардан бир куни

Олдин синаб кўради

Таниқли шоир Мирпўлат Мирзо ниҳоятда самимий, қувноқ, ҳазилкаш йигит. Унинг мўлжалга бехато урувчи луқмалари дўстлари ва ёзувчилар ўртасида маълум ва машҳурдир. Ҳозиржавобликда-ку унга тенг келиш қийин.

Мирпўлат билан яқин дўстмиз, шу боис ушбу ҳангомаларга шахсан ўзим гувоҳман.

Бир куни Дўрмондаги ижод уйи ошхонасида тамадди қилаётган эдик. Гурунг авжида. Даврада сўққабошлар кўп эди. Шулардан бири — шоир Рауф Парфи (ҳозирда марҳум) ногоҳ шундай гап қотади:

— Мана, ҳаш-паш дегунча элликниям уриб қўйибмиз. Беш-олти марта уйланганимизни ҳисобга олмасак, бу дунёда яшашнинг ҳам умуман қизиғи йўқ экан.

— «Қўшиб ёзиш» бўлмасин, энди икки марта уйландингиз, холос, — дейман.

— Дарвоқе, келинглар, Рауф акани уйлаймиз! — дея таклиф қилади энг ёш сўққабош ёзувчи Набижон Боқий.

— Йўқ, олдин Сизни уйлайлик, — Рауф ака ўзича мурувват кўрсатган бўлади.

Ўқланган милтиқдек шай турган Мирпўлат Мирзонинг луқмаси нишонга бехато тегади:

— Олдин Набижон уйлансин-чи, ҳеч нарса бўлмаса, кейин Рауф ака уйланади.

Ундай бўлса...

Шоир Азиз Абдураззоқ (охирати обод бўлсин) кўчада Мирпўлатни учратиб, шундай дейди:

— Мирпўлат, сени кўрганим яхши бўлди. Мана, мен ҳам табаррук ёшга кирдим, шунга ош бермоқчиман. Эртага сабзи тўғрашга келгин.

— Хўп бўлади, Азиз ака! — дейди Мирпўлат одатича кулимсираб. — Дарвоқе, ҳалигидан ҳам бўладими?

— Мен ичишни ташлаворганман-ку, Мирпўлат.

— Э шундайми? Ундай бўлса бозордан тайёр тўғралган сабзи олиб қўя қолинг.

Олдиндан билади

Илгари Мирпўлат билан ёзувчиларнинг Чорвоқдаги далаҳовлисида қўшни эдик. Кунлардан бир куни унинг далаҳовлисида шоша-пиша ғишт тераётганини кўриб, огоҳлантирдим:

— Мирпўлат! Тоғли жойда зилзила кучли бўлади. Бу деворингиз омонат, ер битта силкинса қулайди.

— Зилзила бўладиган куни бу ёққа чиқмай қўя қоламиз-да! — дейди Мирпўлат ўйлаб ҳам ўтирмай.

Махфий гап

Мирпўлат Дўрмонда ижод қилаётган кунларнинг бирида зерикиб, гурунглашиш учун кекса ёзувчи Исоқ Ўктамовнинг хонасига чиқади. Шоир Мирзо Кенжабек билан ниманидир қизғин муҳокама қилаётган отахон ноқулай бўлса-да, ташрифнинг бемаврид эканлигини айтади:

— Мирпўлат, кечирасиз, Мирзо билан махфийроқ гапимиз бор эди...

Шоир кутилмаган эътироздан мутлақо ўзини йўқотмайди:

— Жуда яхши-да. Шу ерда гаплашасизларми ёки ташқарига чиқасизларми?

Беихтиёр ҳамма кулиб юборади. Кўнгилларда заррача ғубор қолмайди.

Ўзидан кўрсин

Мирпўлат ёзувчиларнинг Чорвоқдаги далаҳовлисига ширкат раиси бўлганида дарҳол ишларни юриштириб юборади. Бир куни бўйи жудаям паст бўлган кекса ёзувчи раисдан жиддий талаб қилиб қолади:

— Ўзим меҳнат фахрийсиман, давлатга кўп хизмат қилганман. Шунинг учун ҳам менга ерни икки ҳисса кўпроқ беришингиз керак.

— Жуда яхши-да, — дейди Мирпўлат кулимсираб, — фақат биз энди ерни ҳар кимнинг бўйига қараб тақсимлашга келишдик.

Бугун якшанба-да

Шоир Ихтиёр Ризо Дўрмонда Мирпўлатнинг ёзувчилар уюшмасига котиб бўлганини эшитиб, хурсанд бўлади, шоирни янги лавозим билан табриклайди, сўнг ҳадди сиғиб, илтимосини айтади:

— Менга уй керак, ёрдам қиларсан, Мирпўлат?

— Хўп бўлади! — дейди Мирпўлат ҳозиржавоблик билан. — Фақат бугун якшанба-да!

Камтарга камол

Шоир Мирпўлат Мирзо айни чоғда моҳир таржимон сифатида ҳам танилган.

Кунлардан бир куни мухлислардан бири ундан сўраб қолади:

— Мирпўлат ака, сиз нега кўпинча Нобель мукофотини олган ижодкорларни таржима қиласиз?

Ҳозиржавоб шоир ўйлаб ҳам ўтирмай, шартта жавоб қилади:

— Тенг тенги билан-да!

Шодмон ОТАБЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Сиз суд ижрочилари томонидан қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Суд департаментининг Ички хавфсизлик инспекциясига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.
Мурожаат этган шахснинг исм, шарифининг сир сақланиши кафолатланади.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ РАҚАМЛАРИ:

Суд департаментининг марказий аппарати Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 237-61-86, (8-371) 237-61-87,
Суд департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-361) 229-17-09,
Суд департаментининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-374) 224-58-70,
Суд департаментининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-365) 225-75-34,
Суд департаментининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-372) 226-34-89,
Суд департаментининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-367) 225-42-24,
Суд департаментининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-376) 223-22-75,
Суд департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-366) 233-46-99,
Суд департаментининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-369) 233-03-71,
Суд департаментининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-436) 224-16-11,
Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 253-04-27,
Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 242-16-37,
Суд департаментининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-375) 228-03-77.
Суд департаментининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-373) 222-62-89,
Суд департаментининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-362) 227-12-26.

Мунажжим башорати

28 МАРТ, ЖУМА

Кун рамзи йилқилар уюри, от бўлиб, адолатни ҳимоя қилиш, олижаноб ишларни намоён этиш имконияти мавжуд бўлади. Келажак йўлида бирлашиш, ўтмишдан воз кечиш куни ҳам дейишади бу кунни. Қурилиш ишлари, зеб-зийнатлар ясаш, кимларнингдир ишончини қозониш хайрли бўлади.

Бугун фаол ижодий туйғулар уйғонадиган кун: ҳар қандай ишни бошлайверинг – улар омадли бўлади. Биргаликда амалга ошириладиган машғулот ва ҳаракатлар катта фойда келтиради. Бугун ёлғиз қолмасликка ҳаракат қилинг. Ўзингиз суйган кишиларга зарар келтириб қўйиш эҳтимоли борлиги ёдингизда бўлсин.

Ошқозон-ичак йўлларини даволаш билан боғлиқ муолажалар, гиёҳлар билан даволаниш самарали бўлиши кутилади. Баъзи бир тансиқ таомлар билан ўзингизни сийлашингиз мумкин. Фаол жисмоний ҳаракатлар тавсия этилмайди. Куч-қувватингизни сарфлашга мажбур этадиган ишлардан ўзингизни тортинг.

Тушларингиз ҳаётнинг барча йўлларида покланиш омилларини кўрсатиб беради, лекин жиддий воқеа-ҳодисалардан ҳикоя қилмайди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3456

Топширилган вақти: 13:13